

«Келишилди»
“UzAssets инвестиция компанияси” АЖ
Кузатув кенгашининг
2023 йил 11 октябрдаги 4-сон
йиғилишида кўриб чиқилди

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“UzAssets инвестиция компанияси” АЖ
Ягона акциядорининг
2023 йил 31 октябрдаги
7-сон қарори билан

“UzAssets investitsiya kompaniyasi”
акциядорлик жамиятининг
Дивиденд сиёсати тўғрисида
НИЗОМ

Тошкент – 2023 йил

Мундарижа

I. Умумий қоидалар.....	2
II. Дивиденд тўлаш асослари ва шартлари	3
III. Дивидендлар миқдорини белгилаш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш	5
IV. Дивидендларни тўлаш муддатлари ва тартиби	6
V. Эълон қилинган дивиденд тўлови учун жавобгарлик	7
VI. Ахборотни ошкор қилиш тартиби	8
VII. Яқуний қоидалар	9

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг
Дивиденд сиёсати тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, “UzAssets инвестиция компанияси” акциядорлик жамиятининг Устави, Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда бошқа ички норматив ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низомнинг асосий мақсади “UzAssets инвестиция компанияси” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) дивиденд сиёсати, дивиденд тўлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, дивиденд миқдорини аниқлаш, дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби ҳақида Ягона акциядорга ва бошқа манфаатдор шахсларга очиқ ва шаффоф маълумот бериш ҳисобланади.

Жамиятнинг дивиденд сиёсати Ягона акциядор фаровонлигини ошириш, Жамият капитализацияси ўсишини таъминлаш, Жамият имиджи ва инвестициявий жозибadorлигини оширишга қаратилган.

3. Мазкур Низомда қуйидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

дивиденд – Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

дивиденд сиёсати – дивидендларни ҳисоблаш ва акциядорларга тўлаб бериш соҳасидаги Жамият сиёсати;

соф фойда – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг Жамият ихтиёрида қолган фойда.

4. Мазкур Низом талабларидан келиб чиқиб, Жамият Кузатув кенгаши оддий акциялар бўйича дивиденд миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқади ва қарор қабул қилиш учун Ягона акциядорга киритади.

Ягона акциядорнинг дивидендлар тўлови билан боғлиқ талаблари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Жамият Устави ва мазкур Низом билан ҳал қилинмаган ҳолда, ушбу масала Ягона акциядорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади.

5. Ушбу Низом Жамият фаолияти муддатига ишлаб чиқилган. Янги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган ёки қонунчиликка ўзгартиришлар киритилган тақдирда, мазкур Низом қонунчиликка ва Жамият Уставига зид бўлмаган қисмида амал қилади, Жамият эса амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятнинг янги дивиденд сиёсатини тасдиқлаш чораларини кўради.

6. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

шаффофлик тамойили – дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этаётган томонларнинг вазифалари ва жавобгарликлари, шу жумладан дивиденд тўлови ва миқдори тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги ахборот шаффофдир ва ошкор қилинади;

ўз вақтида тамойили – Жамият дивиденд тўловларини амалга оширишда белгиланган муддатларга ва вақт чегараларига риоя этади;

асосланганлик тамойили – дивиденд тўлови ва миқдори тўғрисидаги қарор Жамият томонидан ижобий молиявий натижаларга эришилган тақдирдагина, Жамиятнинг ҳақиқий молиявий аҳволига асосланиб ривожланиш режалари ва унинг инвестиция дастурлари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади;

ривожлантириш тамойили – Жамиятнинг стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан дивиденд сиёсати қоидалари қайта кўриб чиқилади ҳамда корпоратив бошқарув тадбирларини яхшилаш доирасида доимий равишда такомиллаштириб борилади;

барқарорлик тамойили – Жамият дивиденд тўловининг барқарор даражасини таъминлашга интилади.

II. Дивиденд тўлаш асослари ва шартлари

7. Жамиятнинг жойлаштирилган акциялари бўйича дивиденд тўлаш, дивидендлар миқдори, тўлаш муддати ва тартиби тўғрисидаги қарор қабул қилиш Ягона акциядор ваколатига киради.

8. Ягона акциядор қарори билан тўланиши эълон қилинган дивидендларни тўлаш Жамият Бошқаруви мажбурияти ҳисобланади.

Бошқарув томонидан дивидендларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар (дивиденд суммасини ҳисоблаш ва Ягона акциядор кўрсатган ҳисобвараққа ўтказиш, почта харажатлари) Ягона акциядор зиммасига юклатилмайди, дивидендлар бўйича ҳисобланган солиқларни тўлаш бундан мустасно.

9. Жамият соф фойдасининг ва (ёки) аввалги йилларда тақсимланмаган соф фойдасининг бир қисмини Жамиятнинг молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда дивидендлар тўлаш учун йўналтиради.

Жамият капитализациясининг ўсиши билан бирга, йил якуни бўйича олинган соф фойда суммасидан ҳамда инвестиция фаолиятини ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Ягона акциядорга тўланадиган дивидендлар миқдорини оширишга интилади.

Ягона акциядор соф фойдани Жамиятни келгусида ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтириш мақсадида уни тақсимламасдан қолдириш ва дивидендларни тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

10. Жамиятда дивидендлар тўлаш шартлари қуйидагича:

Жамиятнинг ўтган чорақлик, ярим йиллик, тўққиз ойлик, йиллик фаолияти натижасига кўра соф фойдасининг мавжудлиги;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 54-моддасида назарда тутилган дивидендлар тўлаш бўйича чекловларнинг йўқлиги;

мустақил аудиторлик ташкилоти хулосаси билан тасдиқланган молия ҳисоботи мавжудлиги;

Кузатув кенгашининг дивидендлар миқдори, ҳажми ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсияси;

Ягона акциядорнинг дивидендлар тўлови тўғрисидаги қарори.

11. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 54-моддасидга мувофиқ Жамият:

Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни Ягона акциядорга тўлаши шарт.

12. Дивиденд қуйидаги акциялар бўйича ҳисобланмайди ва тўланмайди:
жойлаштирилмаган акциялар;

Жамиятнинг ўзи томонидан эгалик қилинган ва/ёки сотиб олинган акциялар;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

III. Дивидендлар миқдорини белгилаш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Жамият молиявий йилининг биринчи чорак, ярим йиллик, тўққиз ойлик йиллик натижалари мазкур Низомнинг 10-12-бандларида кўрсатилган шартлар ва чекловларни инобатга олган ҳолда Ягона акциядор акциялар бўйича дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бунда, Ягона акциядорнинг дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қароридаги тўланадиган дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши тавсияларида кўрсатилган суммадан ошмаслиги шарт.

Биринчи чорак, ярим йиллик ва молиявий йилнинг тўққиз ой натижалари бўйича дивидендлар тўлови ҳақида қарор тегишли давр тугаганидан кейин уч ой мобайнида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар Жамият тасарруфида қолдирилган соф фойда ва (ёки) ўтган йилларда тақсимланмаган фойда ҳисобидан тўланади.

Имтиёзли акциялар (мавжуд бўлганда) бўйича дивиденд тўлаш мақсадида, дивиденд тўланиши натижасида Жамият молиявий аҳволи ёмонланмаслиги учун Жамият махсус захира фонди ташкил этиши ҳамда унга фойданинг бир қисми ва дебиторлик қарздорликларни йўналтириши мумкин.

14. Келгуси йил якунлари бўйича дивидендлар тўлаш масаласи Жамият Бошқаруви томонидан киритилган тегишли давр учун молиявий ҳисобот ва олинган фойдани тақсимлаш тўғрисидаги таклифидан келиб чиқиб Кузатув кенгаши томонидан олдиндан кўриб чиқилади.

Кузатув кенгаши Бошқарувнинг таклифига асосан молиявий ҳисоботнинг асосий йўналишларини кўриб чиқади, ушбу ҳисоботнинг ишончлилиги ва олинган фойданинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш учун мустақил ташқи аудиторлик ташкилотини жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

15. Кузатув кенгаши Ягона акциядор муҳокамасига акциялар бўйича дивидендлар миқдори, ҳажми ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар киритади.

Кузатув кенгаши томонидан Ягона акциядор муҳокамасига киритилган тавсиялар қуйидаги омиллар асосида белгиланади:

тўғрилиги мустақил аудиторлик ташкилоти хулосаси билан тасдиқланган Жамиятнинг ўтган давр учун (биринчи чорак, ярим йиллик, тўққиз ойлик ёки йиллик) молиявий ҳисоботда кўрсатилган фойда ва соф фойда миқдори;

ўтган давр учун солиққа тортилгандан кейин Жамият ихтиёрида қолган соф фойда миқдори;

Жамиятнинг молиявий йилдаги фаолияти натижалари бўйича дивидендни аванс тўлови сифатида тегишли давр учун илгари тўланган оралик дивиденд миқдори;

Жамиятнинг келгуси даврлар учун молия-хўжалик режалари;

Жамиятнинг тегишли давр якуни учун айланма маблағлари тузилиши;

Жамиятнинг тегишли давр якуни учун қарз юкламалари.

16. Кузатув кенгашининг тавсиясида кейинги йилларда Жамият молиявий-хўжалик режалари, Жамият айланма маблағлари ва мажбуриятларининг жорий ва истикболдаги ҳолати, тўланадиган дивидендлар миқдори, уларни тўлаш муддати ва тартиби кўзда тутилади.

Кузатув кенгаши томонидан Ягона акциядор муҳокамасига киритган тавсияларида таклиф қилинадиган дивиденд тўлови Жамият томонидан қўшимча қарз маблағлари жалб қилинишига ёки молия-хўжалик режасида назарда тутилмаган бошқа сарф-харажатларга олиб келмаслиги керак.

17. Ягона акциядорнинг дивидендлар тўлови ҳақидаги қарорида қуйидагилар белгиланиши керак:

дивиденд тўлови амалга ошириладиган акциялар тоифаси (тури);

муайян турдаги битта акцияга ҳисобланган дивиденд миқдори;

дивидендларни тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги;

Жамият акциялари бўйича тўланадиган дивиденднинг умумий миқдори.

Шу билан бирга, Ягона акциядор акцияларнинг айрим турлари бўйича дивидендларни тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

IV. Дивидендларни тўлаш муддатлари ва тартиби

18. Жамият дивидендларни пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўлаши мумкин, имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар фақат пул маблағлари билан тўланади. Жамият эълон қилинган дивидендларни Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида Ягона акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

19. Дивидендларни тўлаш муддати Жамият Ягона акциядор қарори билан белгиланади, бироқ бу муддат Ягона акциядор дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак.

20. Ягона акциядор қарорида белгиланган муддатларда Ягона акциядор дивидендларни олиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, Жамият ушбу олинмаган дивиденд тўловини давом эттиради, олинмаган дивидендларни тўлаш муддати эса Ягона акциядор қарорида белгиланган муддатдан 3 (уч) йилдан ошмаслиги керак.

21. Жамият айби билан Ягона акциядор қарорида белгиланган муддатларда дивидендлар тўланмаган тақдирда, ушбу тўланмаган дивидендлар (ёки уларнинг тўланмаган қисми) бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан келиб чиқиб жарима (пеня) ҳисобланади. Тўланмаган дивидендлар бўйича жарима (пеня) миқдори тўланмаган дивидендлар суммасининг 50 (эллик) фоизидан ошмаслиги керак.

22. Агар Ягона акциядор дивидендни тўлаш учун ўз банк реквизитларини манзилени нотўғри кўрсатган, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда бу ҳақда Жамиятга хабар бермаган тақдирда, Жамият Ягона акциядорга етказилган зарар учун жавобгар ҳисобланмайди. Мазкур бандда кўрсатилган, Ягона акциядор айби билан нотўғри кўчирилган дивидендлар Жамиятга қайтарилгандан сўнг уларнинг аниқлик киритилган реквизитлар бўйича Ягона акциядорга тўланиши ушбу маблағларни қайтариш ва такрорий ўтказиш билан боғлиқ харажатларни чегириб қолган ҳолда амалга оширилади.

23. Жамият Ягона акциядорга дивидендларни тўлашда даромад манбаига нисбатан солиқ агенти ҳисобланиб, солиқ қонунчилигида белгиланган дивиденд тарзидаги даромадларга белгиланган ставкада солиқни ҳисоблаб чиқаради ва ҳисобланган солиқ суммасини ушлаб қолган ҳолда дивидендларнинг тўловини амалга оширади. Солиқ қонунчилигига асосан дивидендлар бўйича солиқ солиш стандарт ставкалари татбиқ қилинмайдиган ёки солиқ тўлашдан озод қилинган акциядор Жамиятга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидан кўчирма тақдим этиши керак.

V. Эълон қилинган дивиденд тўлови учун жавобгарлик

24. Жамият ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар тўловини амалга ошириши шарт.

25. Жамият Бошқаруви Ягона акциядорга дивидендларнинг ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўлаш учун жавобгар ҳисобланади.

26. Жамиятнинг корпоратив котиби Жамиятнинг Молия ва бухгалтерия бўлими билан биргаликда Жамият томонидан мазкур Низомда назарда тутилган дивидендлар тўловини амалга ошириш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва ўтказиш ишларини бажаради.

27. Бошқарув ҳаракатлари устидан назоратни Кузатув кенгаши Жамият Ички аудит хизмати билан биргаликда амалга оширади.

Кузатув кенгаши ҳисобланган дивидендлар тўловини таъминлаш мақсадида ўз йиғилишларида дивиденд тўлови жараёни тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Бошқарув айби билан дивиденд тўлови тўлиқ ёки ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, Кузатув кенгаши айбдор шахсларнинг жавобгарлик чораларини белгилайди ва тегишли жарималар солади.

28. Ягона акциядор вакили Жамиятга акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, дивидендларга солиқ миқдори ва солиқ солиш тартиби, тўлов шартлари тўғрисидаги ахборотни олиш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

29. Жамият ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда Ягона акциядор ҳар бир турдаги акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тўловини белгиланган тартибда суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Жамият ҳисобланган дивидендлардан солиқ суммасини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш, ушлаб қолинган солиқ суммаларини бюджетга ўтказиш билан боғлиқ солиқ агенти мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

VI. Ахборотни ошкор қилиш тартиби

31. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар, улар тасдиқланган кундан эътиборан 10 (ўн) кун ичида Жамиятнинг Интернетдаги корпоратив веб-сайтида эълон қилинади.

32. Ягона акциядор томонидан дивидендлар тўлови тўғрисида қарор қабул қилинганда, Жамият мазкур қарорни қонунчиликда белгиланган муддатларда муҳим фактлар тўғрисидаги хабар шаклида ягона корпоратив маълумотлар портали www.openinfo.uzда ошкор қилади.

Шунингдек, Жамият электрон манзил орқали Ягона акциядорга дивидендлар тўлови Ягона акциядор кўрсатган банк ҳисобварағига кўчирилганлиги тўғрисида билдиришнома юбориши мумкин.

33. Жамият дивидендларни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлиги тўғрисидаги тегишли маълумотларни Жамият Ахборот сиёсатига

мувофиқ мажбурий равишда ошкор қилиниши лозим бўлган ахборот ҳисобланади ва белгиланган тартибда муҳим фактлар тўғрисидаги хабар сифатида мажбурий равишда ошкор қилиниши лозим.

VII. Яқуний қоидалар

34. Мазкур Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамиятнинг Ягона акциядори қарори билан тасдиқланади.

35. Мазкур Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамият Бошқаруви, Ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши таклифларига биноан киритилиши мумкин.

36. Мазкур Низом талабларини бузган айбдор шахслар қонунчиликда ва Жамият ички норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

37. Мазкур Низомда тартибга солинмаган масалалар қонунчилик, Жамият Устави ва ички норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.